

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМАРДОНОВ ИЛХОМ МУЗРАБШОХОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ УСЛУБИЙ
ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertational Abstract

Алимардонов Илхом Музрабшохович

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий
асосларини такомиллаштириш 3

Алимардонов Илхом Музрабшохович

Совершенствование методологических и практических основ
кредитования субъектов малого бизнеса 29

Alimardonov Pkhom Muzrabshoxovich

Improvement of methodical and practical bases of lending of small business
entities..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.І.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМАРДОНОВ ИЛХОМ МУЗРАБШОХОВИЧ

**КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ УСЛУБИЙ
ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Iqt 43 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Иминов Одилжон Каримович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Олимжонов Одил Олимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кузиева Наргиза Рамазановна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail:info@bfa.uz.

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 - уй. Тел.:(99871) 237-53-25), факс: (99871) 237-54-01, e-mail:info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги № ____рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги тараққий этган ҳамда қатор ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор иқтисодий ўсиш бевосита кичик бизнес субъектлари фаолиятига боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни кредитлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки 2016 йилда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун умумий қиймати 892 млн. евро бўлган 76 та лойиҳани молиялаштирди. Бу эса, 2015 йилга нисбатан 203 млн. еврога (29,5%) кўп демакдир¹. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам кичик бизнесни банклар томонидан кредитлаш ҳажми ва қамрови кенгайиб бормоқда. Бангладешнинг «Грамбанк»и томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган микрокредитлар миқдори 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 72,9 фоизга кўпайган².

Жаҳонда, кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур жараёнларнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш масалаларига оид илмий тадқиқотларга кенг эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кичик ва ўрта корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашни махсус давлат дастурлари ёрдамида молиялаштириш, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган рисклари даражасини пасайтириш, кичик бизнес субъектларига бериладиган кредит ҳажмини оширишда турли шаклдаги давлатнинг кафолат фондларини ташкил этиш, лизинг ва факторинг компаниялари фаолиятини кенгайтириш борасидаги илмий муаммолар тадқиқи орқали мазкур жараёнлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирги шароитда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор тизимини шакллантириш, тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, уларни кредитлаш жараёнида юзага келадиган молиявий рискларнинг чуқурлашишига йўл қўймаслик каби масалаларни илмий асосда тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектларида пул оқимининг сустиги, уларнинг рақобат курашидаги мавқеининг беқарорлиги мазкур субъектлар фаолиятини молиялаштириш тизимини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтирди³. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш имконини беради. Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни

¹ European Bank for Reconstruction and Developments. Annual Reports. www.ebrd.com.

² Grameen Bank. Annual Reports. gb_monit@grameen.com.

³ The Small Business Economy: A report to the President. – Washington: United States Government Printing Office, 2005. – P. 17.; Экономика Европейского Союза, Учебник. Под. ред. проф. Р.К. Щенина. – М.: КНОРУС, 2012. – С. 139-140.; Small Business Act. Public Law 85-536. – <http://www.sba.gov/library/cfrs>.

янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5057-сонли Фармони, 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли ва 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш, улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University (АҚШ), University of Bonn (Германия), University of Paris Sorbonne (Франция), Oxford University (Буюк Британия), Институт экономической политики имени Е.Гайдара (Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кичик бизнес субъектларининг кўчмас мулк, техника ва технологиялар сотиб олиш харажатларини банкларнинг узок муддатли кредитлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнини давлатларнинг махсус дастурлари доирасида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш таклифи амалиётга жорий этилган (Harvard University, АҚШ); кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан бозор ставкаси ўртасидаги фарқни давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш йўли билан кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитлари тўлови билан боғлиқ бўлган харажатларини камайтириш, уларнинг банк кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш, банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган рисклари даражасини пасайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган (University of Bonn, Германия); кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйиш орқали уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

имкониятини ошириш мумкинлиги асосланган (University of Paris Sorbonne, Франция); давлатнинг кафолат фондларини ташкил этиш йўли билан тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига берадиган кредитлари миқдорини кўпайтириш ва уларнинг қайтарилиш даражасини ошириш мумкинлиги исботланган (Oxford University, Буюк Британия); давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва махсус ташкил этилган банк, шунингдек, юқори рейтингга эга бўлган банклар ҳамда лизинг ва факторинг компаниялари билан кредит шартномаси тузиш орқали мазкур субъектларни кредитлаш ҳажмини оширишнинг зарурлиги асослаб берилган (Институт экономической политики имени Е.Гайдара, Россия).

Жаҳонда кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: кичик бизнес субъектлари фаолиятини венчурли молиялаштиришни ривожлантириш, ушбу субъектларнинг экспорт-импорт операцияларини кредитлашни такомиллаштириш, йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ривожлантириш орқали уларни банклар томонидан кредитлаш самарадорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес субъектларини банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кредитлашнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – А.Стахнюк, А.Жоли, В.Сафарян, Д.Савинова, Д.Гейл, Ж.Синки, Ж.Шанел-Рейно, Й. Шумпетер, М.Юнус, С.Федоров, Ф.Аллен, Э.Блуаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁵.

М.Юнус Бангладешнинг «Грамминбанк»ини ташкил қилди ва кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг «ижтимоий бизнес» модели деб номланган янги тизимини яратди. Мазкур тизимдан кўзланган мақсад юқори фойда олиш эмас, балки камбағал одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳисобланади.

Д.Савинованинг фикрига кўра, кичик тадбиркорликни кредитлаш бозорининг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизмати кўрсатилиши зарур.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Баймуратов, И.Раҳманов, Д.Таджибаева, Ж.Исаков, Л.Зойиров, Н.Урманова ва бошқаларнинг илмий

⁵Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. – №3. – С. 23-26.; Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №2. – С. 71-73.; Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и кредит. – Москва, 2009. – № 5. – С. 59-63.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.; Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2010. – 307 с.; Федоров С.Л. Микрокредитование как инструмент поддержки экономической активности сельского населения//Деньги и кредит. – Москва, 2004. – № 1. – С. 51-57.; Шумпетер Й.А. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.: Дело, 1974. – 274 с.; Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – 519 p.;Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – 190 p.

ишларида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг алоҳида олинган илмий-назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган⁶.

Д.Тажигаева ўзининг «Кредит муносабатлари тизимида микрокредитлаш» мавзuidaги номзодлик диссертациясида микрокредитлашнинг назарий-услубий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асосларини, Ўзбекистонда ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилган. Лекин у асосий эътиборини нобанк муассасаларининг микрокредитлаш амалиётига қаратган. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини микрокредитлашни алоҳида таҳлил қилмаган⁷.

Аммо кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш масаласи ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари:

кичик бизнес субъектларини кредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалий аҳамиятини баҳолашга хизмат қиладиган хулосаларни шакллантириш;

кичик бизнесни кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон Республикаси амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

республикамизда кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва ҳуқуқий асосларининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш;

⁶ Баймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини банklar томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.-16 б.; Раҳманов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 19 б.; Тажибаева Д.А. Микрофинансирование в Центральной Азии: теория, практика и перспективы развития. – Ташкент: KONSUDITINFORM-NASHR, 2011. – 256 с.

Тажибаева Д.А. Муминов И.О. Микрофинансирование:руководство для микрофинансовых организаций. – Ташкент: Молия, 2009. – 256 с.; Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 28 б.; Зойиров Л.С. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 20 с.; Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Ташкент, 2012. – 23 с.

⁷Тажибаева Д.А, Муминов И.О. Микрофинансирование: руководство для микрофинансовых организаций. Ташкент: Молия, 2009. – С. 11-13.

тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг амалий асосларини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш;

кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, монографик тадқиқот, эксперт баҳолаш, статистик ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

тижорат банклари томонидан лизинг ва қайтариладиган лизинг асосида кредитлаш ҳажмини ошириш кичик бизнес субъектларида кредит учун талаб қилинадиган юқори ликвидли гаров объектлари етишмаслиги ҳолатини компенсацияловчи омил сифатида асосланган;

кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини таъминлашнинг товар захиралари ҳисобидан қоплаш коэффициенти даражасини ошириш ва дебитор қарздорликнинг айланишини тезлаштириш механизмлари таклиф этилган;

пул оқими барқарор бўлган кичик бизнес субъектлари ва давлатнинг харид тизимига кирган кичик корхоналар, микрофирмаларнинг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича импорт тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлаш таклифи асосланган;

молиявий коэффициентлар таркибига қўшимча равишда фойда меъёри, қарзга хизмат кўрсатиш ва кредитор қарздорликнинг айланиш коэффициентиларини киритиш йўли билан кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш методикаси такомиллаштирилган;

тижорат банклари ресурс базасининг етарлилигини таъминлаш ва жалб қилинадиган ресурслар қийматини пасайтириш ҳисобига соф фоизли спрэд кўрсаткичи даражасини ошириш йўли билан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини пасайтириш усули асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлган шароитда кичик бизнес субъектлари пул оқимининг барқарорлигини таъминлаш йўллари таклиф қилинган;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлаш тартиби, юзага келадиган кредит рискинни пасайтириш йўллари, жорий ҳисобрақамнинг дебетли ва кредитли қолдиғига фоизлар тўлаш механизмини махсус йўриқномада акс эттиришнинг зарурлиги асослаб берилган;

муддати ўтган дебитор қарздорлик ва зарар кўриб ишлаётган кичик бизнес субъектларининг дебитор қарздорлигини инкассация қилмаслик, факторинг кредитларининг муддатини сотилган товарлар учун тўлов суммасини ундириш муддатига мос бўлишини таъминлаш йўли билан кичик бизнес субъектларини факторинг асосида кредитлаш ҳажмини оширишнинг зарурлиги асослаб берилган;

Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасининг ресурс базасини Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 500 млн. АҚШ доллараридаги маблағлари ҳисобидан кўпайтириб, ушбу маблағларни кичик бизнес субъектларининг экспорт ва импорт операциялари учун банклар томонидан бериладиган кредитларнинг кафолати сифатида фойдаланиш таклифи асослаб берилган;

эконометрик таҳлил натижалари асосида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми билан муаммоли кредитлар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик даражаси аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Диссертацион тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига ҳамда статистик ва амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикада кичик бизнес субъектларини кредитлаш самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллашнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

кичик бизнес субъектларида тижорат банклари кредитлари учун талаб қилинадиган юқори ликвидли гаров объектлари етишмаслигини ҳисобга олиб, уларни банклар томонидан лизинг ва қайтариладиган лизинг асосида кредитлаш ҳажмини ошириш таклифи АТ «Микрокредитбанк» амалиётига

жорий қилинган (АТ «Микрокредитбанк»нинг 2017 йил 9 январдаги АН 18-32/151-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида микролизинг хизматлари ҳажмининг ўсиши ҳисобига «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 2015 йилда олдинги йилга нисбатан 22,0 фоизга ошган;

кичик бизнес субъектларининг балансида юқори ликвидли активлар миқдорининг кичиклиги шароитида, товар захиралари ҳисобидан қоплаш коэффицентининг даражасини ошириш ва дебитор қарздорликнинг айланишини тезлаштириш йўли билан уларнинг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражасини ошириш таклифи «AYUB BARAKA SERVIS» кичик корхонаси томонидан амалиётда қўлланилган («AYUB BARAKA SERVIS» кичик корхонасининг 2016 йил 17 майдаги 5-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида корхонанинг «Микрокредитбанк»дан олган кредитлар миқдори 2015 йил давомида 68,9 млн. сўмга кўпайган;

пул оқими барқарор бўлган кичик бизнес субъектлари ва давлатнинг харид тизимида кирган кичик корхоналар, микрофирмаларнинг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича импорт тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўлашни йўлга қўйиш таклифи АТ «Микрокредитбанк» томонидан амалиётга жорий қилинган (АТ «Микрокредитбанк»нинг 2017 йил 9 январдаги АН 18-32/151-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида кичик бизнес субъектларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича импорт тўловларини «Микрокредитбанк»нинг муддатли кредитлари ҳисобидан тўлаш ҳажмини 2015 йилда олдинги йилга нисбатан 10,7 фоизга ошириш имкони яратилган;

молиявий коэффицентлар таркибига қўшимча равишда фойда меъёри, қарзга хизмат кўрсатиш ва кредитор қарздорликнинг айланиш коэффицентларини киритиш йўли билан кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш методикасини такомиллаштириш таклифи АТИБ «Ипак Йўли» банки томонидан амалиётга жорий қилинган (АТИБ «Ипак Йўли» банкининг 2018 йил 20 апрелдаги 18/3343-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида «Ипак Йўли» банки томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори 2016 йилда олдинги йилга нисбатан 1005 млн. сўмга камайган;

тижорат банклари ресурс базасининг етарлилигини таъминлаш ва жалб қилинадиган ресурслар қийматини пасайтириш ҳисобига соф фоизли спрэд кўрсаткичи даражасини ошириш йўли билан кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасини пасайтириш тавсияси АТИБ «Ипак Йўли» банки томонидан амалиётга жорий қилинган (АТИБ «Ипак Йўли» банкининг 2018 йил 20 апрелдаги 18/3343-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсия асосида «Ипак Йўли» банки томонидан кичик бизнес

субъектларига берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 1,0 фоизли пунктга пасайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 10 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг назарий ва услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида кичик бизнес субъектларини банклар томонидан кредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашлар ва кичик бизнес субъектларини банклар томонидан кредитлашнинг услубий асослари тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олимларнинг кичик бизнесни кредитлаш хусусидаги илмий-назарий қарашларини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, биринчидан, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар бўлиб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини етарли даражада ривожланмаганлиги, гаров объектлари сифатининг паст эканлиги, миқдорнинг шаффоф эмаслиги («хуфёна» даромадлар даражасининг юқори эканлиги, миқдорнинг молиявий ҳолатини, унинг кредит тўловига лаёқатлилигини объектив баҳолаш учун зарур бўлган ишончли манбаларнинг етарли эмаслиги, жорий ҳисобрақамлар бўйича айланмаларнинг мавжуд эмаслиги) ҳисобланади. Иккинчидан, кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётини ривожлантириш учун банклар ва нобанк кредит ташкилотларининг микрокредит операциялари Марказий банк томонидан назорат қилинмаслиги керак⁸. Учинчидан, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига олиб келадилар⁹. Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлиги эътироф этилади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади¹⁰.

Шунингдек, тадқиқотнинг мазкур бобида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий асослари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, биринчидан, республика амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётгани овердрафт ва контокоррент кредитлаш

⁸Мамут М.В. Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы// Банковское дело. – Москва, 2009. - № 4.– С. 96 -99.

⁹ Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2010. – 307 с.

¹⁰Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

шаклларидан фойдаланиш жараёнининг юқори рисклилигини таъминлайди; иккинчидан, кичик бизнес субъектларини кредитлашда иқтисодий рискларнинг 3 тури – кредит, операцион ва бозор рисклари даражасининг нисбатан юқори эканлиги кузатилмоқда; учинчидан, республикамиз тижорат банклари мижозларининг суверен кредит рейтингига эга эмаслиги Базель кўмитаси томонидан таклиф этилган стандартлашган ёндашувни тўлақонли амалиётга жорий этиш имконини бермайди; тўртинчидан, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш кичик бизнес субъектларининг ҳақиқий молиявий ҳолатини реал баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари**» деб номланган иккинчи бобида илғор хориж тажрибаси таҳлил қилинган, умумлаштирилган ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Германияда мақсадли давлат дастурлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес субъектларининг ўз капитали миқдорини ошириш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур дастурлар доирасида кичик бизнес субъектларига ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг миқдори 1,0 млн. еврога етади, муддати эса, 3 йилдан 10 йилгача муддатни ташкил этади. Бунда давлат томонидан бериладиган дотациянинг миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача бўлган суммани ташкил этади.

Германия тажрибасининг амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, кредитлар узоқ муддатли бўлиб, кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштириш учун берилмоқда; иккинчидан, кредитларнинг асосий қарз суммаси ва фоизининг маълум қисми давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилинмоқда; учинчидан, икки йиллик муддатга имтиёзли давр берилмоқда.

Буюк Британия ва Францияда давлатнинг кафолат фондлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига берилган кредитларининг қайтарилиши кафолатланади.

АҚШ ва Европа давлатларида тижорат банкларининг факторинг кредитларидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришда кенг фойдаланилмоқда. Европа мамлакатларида эса, тижорат банкларининг факторинг кредитларидан фойдаланувчиларнинг 80 фоизини йиллик обороти 5 млн. еврога яқин бўлган кичик бизнес субъектлари ташкил этади¹¹.

АҚШ ва Европа мамлакатларида кичик бизнес субъектларига факторинг кредитлари ҳар иккала шартни қўллаган ҳолда, яъни регресс ҳуқуқи билан ва регресс ҳуқуқисиз берилади.

¹¹ Стешина М.О. Европейский рынок факторинга: новые ориентиры. Факторинг и торговое финансирование. – Москва, 2009. – №2. – С. 66-70.


АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича 50 га яқин дастур ишлаб турибди. Улардан учтаси, яъни «504», «7а» ва «7М» – энг йирик дастурлар ҳисобланади.

«504» дастури бўйича амалда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва модернизация қилиш харажатлари инвестицион фондлар орқали кредитланади. Кичик бизнес субъектининг фаолияти таҳлил қилингандан сўнг, унга қўзғалмас мулк, техника ва технологиялар сотиб олиш учун 10 йилдан 20 йилгача бўлган узоқ муддатли кредит берилади. Ушбу кредитнинг миқдори 1 млн. доллардан ошмаслиги керак.

«7а» дастури бўйича фаолиятини энди бошлаётган кичик бизнес субъектларига банклар томонидан бериладиган кредитлар бўйича давлат кафолатлари берилади.

«7М» дастури бўйича кичик бизнес субъектларига 35 минг АҚШ долларигача бўлган миқдорда қисқа муддатли кредитлар берилади. Ушбу кредитлар капитал оқими ва техник ёрдамга муҳтож бўлган кичик бизнес субъектларига берилади¹².

Диссертацияда Бангладеш «Грамминбанк»ининг кичик бизнесни кредитлаш амалиёти таҳлил қилинди ва тегишли илмий-амалий хулосалар шакллантирилди (1-расм).



1-расм. «Грамминбанк» кредитларининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар салмоғи, %¹³

1-расм маълумотларидан кўринадики, «Грамминбанк» кредитларининг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, кичик бизнесни кредитлаш «Грамминбанк» кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, 1-расм маълумотларидан кўринадики, 2012-2016 йилларда «Грамминбанк» кредитларининг умумий ҳажмида кичик бизнесга берилган кредитлар салмоғининг пасайиши тенденцияси кузатилган. Бу эса, корпоратив мижозларга берилаётган кредитлар миқдорининг ошаётганлиги

¹² Small Business Act. Public Law 85-536. – <http://www.sba.gov/library/cfrs>.

¹³ Grameen Bank. Annual Reports. gb_monit@grameen.com.

ва банкнинг кичик бизнес субъектлари бир қисмининг йириклашиб, корпоратив мижозларга айланаётганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг замонавий ҳолати ва тенденциялари» дея номланган учинчи бобида кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасидаги мавжуд тенденциялар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарорига мувофиқ, тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари, бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди. Бу эса, банкларнинг кичик бизнес субъектларини кредитлашга бўлган қизиқишини янада оширди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори¹⁴, млрд. сўм

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Эътироф этиш жоизки, кичик бизнес субъектларини кредитлашда «Микрокредитбанк» ўзига хос ўрин тутади.

2011-2016 йилларда «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, «Микрокредитбанк»нинг ресурс базаси мустаҳкамланиб бораётганлиги, унинг фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади.

¹⁴Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

«Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес субъектларига имтиёзли ставкада (йилига 5%) микролизинг хизматининг кўрсатилаётганлиги уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда муҳим, ўзига хос ўрин тутди. Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳалари қийматининг унчалик катта эмаслиги ва уларнинг бозор конъюнктурасига мослашувчанлик даражасининг юқори эканлиги микролизингнинг улар учун инвестицияларни молиялаштириш шакли сифатидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида ташкил этилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш» жамғармаси томонидан кичик бизнес субъектларига ташқи бозорларни ўрганиш, чет эллик ҳамкорларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Мазкур Жамғарманинг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлмаган бўлса-да (у 2013 йилнинг август ойида ташкил қилинган), кичик бизнес субъектлари экспортини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида эътиборга молик ютуқларга эришилди. Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар 2014 йилда 2399 тани, 2015 йилда эса, 3213 тани ташкил этди. Биргина 2015 йил давомида Жамғарма кўмагида 409 та тадбиркорлик субъекти томонидан 2 млрд. 230 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномалари имзоланиб, уларга мувофиқ, 1 млрд. 45 млн. доллар миқдорида экспорт қилинди. Бу эса, 2014 йилга нисбатан 24 фоизга кўп демакдир¹⁵.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши билан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ўзгариши ўртасида мутаносиблик мавжуд эмас (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси, инфляция даражаси ва кичик бизнес субъектларига сўмда берилган банклар кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси¹⁶, %

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси	12,0	12,0	12,0	10,0	9,0	9,0
Инфляциянинг йиллик даражаси	7,6	7,0	6,8	6,1	5,6	5,7
Кичик бизнес субъектларига сўмда берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	10,1	8,4	8,6	7,9	8,7	11,2

¹⁵Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2011-2015 йилларда инфляция йиллик даражасининг пасайиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини берган.

Таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг фоиз ставкаси ижобий бўлган, яъни инфляция даражасидан юқори бўлган.

2-жадвал

«GISHT - SIFAT» хусусий корхонасида жорий ликвидлик коэффициенти, молиявий левеиж коэффициенти ва соф фойда миқдорининг ўзгариши¹⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар					2016 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	
Жорий ликвидлик коэффициенти	4,8	4,2	2,7	2,6	7,6	2,8 пункт
Молиявий левеиж коэффициенти	11,4	6,9	3,6	6,7	17,9	6,5 пункт
Соф фойда миқдори, млн. сўм	34,8	202,6	330,7	276,4	411,7	118, марта

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2012-2015 йилларда «GISHT-SIFAT» хусусий корхонасининг жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, корхонанинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2016 йилда жорий ликвидлик коэффициентининг 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошиши (5,0 фоизли пунктга) кузатилган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, «GISHT-SIFAT» хусусий корхонасида молиявий левеиж коэффициентининг даражаси 2012-2016 йилларда унинг меъерий даражасидан юқори бўлиб, ушбу коэффициент бўйича корхона тўловга қобил ҳисобланади. Мазкур коэффициентнинг 0,6 дан юқори бўлиши энг юқори тўловга қобиллик даражаси ҳисобланади.

Молиявий левеиж коэффициенти даражасининг 2016 йилда 2012 йилга нисбатан юқори суръатда ошиши мазкур давр мобайнида корхонанинг ўз маблағлари ўсиш суръатини унинг мажбуриятлари ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. 2016 йилда 2012 йилга нисбатан «GISHT - SIFAT» хусусий корхонасининг ўз маблағларини ўсиш суръати 3,8 мартани ташкил этган бўлса, унинг мажбуриятларининг ўсиш суръати 2,4 мартани ташкил қилди.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2012-2016 йилларда «GISHT-SIFAT» хусусий корхонасининг соф фойдаси миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Шу билан бирга, 2016 йилда 2012 йилга нисбатан соф фойда миқдори юқори даражада ўсган. Ушбу ҳолатлар корхонанинг тўловга қобиллик даражасини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

¹⁷«GISHT - SIFAT» хусусий корхонасининг Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботи» (2-шакл) маълумотларига асосан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Қуйида кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлган ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган ва тиббий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган «Гулчехра» ва «GISHT - SIFAT» хусусий фирмаларининг тўловга қобиллик даражаси таҳлил қилинди (3 -4 - жадваллар).

3-жадвал

«Гулчехра» хусусий фирмасида молиявий левеиж коэффициентлари ва соф фойда миқдорининг ўзгариши¹⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар					2016 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	
Молиявий левеиж коэффициенти	17,3	34,5	28,3	0,8	1,6	- 15,7 пункт
Соф фойда миқдори, млн. сўм	19,5	4,5	1,9	7,4	80,0	4,1 марта

3-жадвал маълумотларига кўра, «Гулчехра» хусусий фирмасида 2012-2014 йилларда молиявий левеиж коэффициенти даражаси жуда юқори бўлган. Бу эса, фирманинг мазкур давр мобайнида фаолиятини, асосан, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиргани билан изоҳланади. Аммо 2015 йилда фирманинг молиявий левеиж коэффициенти кескин пасайган ва бу пасайиш 2015 йилда 2014 йилга нисбатан мажбуриятлар суммасининг кескин ошганлиги билан изоҳланади. 2015 йилда «Гулчехра» хусусий фирмасининг мажбуриятлари суммаси 2014 йилга нисбатан 79,1 мартага кўпайган. Мазкур кўпайиш 2015 йилда фирма томонидан 235 млн. сўм миқдоридан тижорат банкидан узоқ муддатли кредит олинганлиги ҳисобига юз берган.

4-жадвал

«GISHT - SIFAT» ва «Гулчехра» хусусий корхоналарида умумий капиталнинг рентабеллиги ва активларнинг рентабеллиги, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
«GISHT-SIFAT» хусусий корхонаси					
Умумий капиталнинг рентабеллиги	33,5	34,7	22,5	25,2	15,0
Активларнинг рентабеллиги	29,5	27,3	19,6	23,8	14,3
«Гулчехра» хусусий корхонаси					
Умумий капиталнинг рентабеллиги	5,8	2,2	3,7	44,6	51,6
Активларнинг рентабеллиги	5,6	2,1	1,7	27,4	29,2

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, «GISHT - SIFAT» хусусий корхонасида 2012-2013 йилларда умумий капиталнинг ва активларнинг рентабеллиги кўрсаткичлари нисбатан юқори ва барқарор бўлган. Аммо 2014 йилда мазкур кўрсаткичлар даражасининг 2012 йилга нисбатан сезиларли даража пасайиши кузатилган.

Шунингдек, 2016 йилда умумий капитал ва активларнинг рентабеллиги кўрсаткичлари даражасининг 2015 йилга нисбатан кескин пасайиши

¹⁸«Гулчехра» хусусий фирмасининг Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботи» (2-шакл) маълумотларига асосан муаллиф томонидан ҳисобланган.

кузатилган. Бу эса, «GISHT-SIFAT» хусусий корхонаси молиявий барқарорлигининг ёмонлашганини кўрсатади ва унинг кредит тўловига лаёқатлилигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Гулчехра» хусусий фирмасида 2012-2013 йилларда капиталнинг рентабеллиги ва активларнинг рентабеллиги кўрсаткичлари даражаси жуда паст бўлган. Бу эса, уларнинг молиявий барқарорлик даражаси жуда паст бўлганидан далолат беради. Шунингдек, «Гулчехра» хусусий фирмасида 2015 ва 2016 йилларда ушбу фирмада мазкур кўрсаткичларнинг даражаси нисбатан юқори бўлган. Бу эса, «Гулчехра» хусусий фирмасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга муваффақ бўлинганидан далолат беради ва унинг кредит тўловига лаёқатлилигини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш йўллари ва истиқболлари»** номли тўртинчи бобида кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда банклар томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор юқори ликвидли гаров объектларининг мавжудлигига қаратилаётганлиги кичик бизнес субъектлари кредитлаш ҳажмини янада оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, банклар талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлаш амалиётида ечимини кутаётган муаммолардан яна бири - бу хорижий кредит линиялари орқали жалб этилаётган инвестицион кредитлар баҳосининг юқори эканлигидир.

Иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг нисбатан паст эканлиги (2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, 24,5 фоизни ташкил этди) барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, кичик бизнес субъектларининг пул оқими барқарорлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабаби шундаки, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди.

Шунингдек, дебитор қарздорликнинг айланиш коэффициентининг паст бўлиши кичик бизнес субъектларининг ликвидлилиги ва молиявий ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Бу борадаги муаммолардан яна бири – бу республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилаётган кредитлар тармоқ таркибининг кескин фарқланиши ва фоиз ставкаларининг юқорилигидир (5-жадвал).

5-жадвал

АИТБ «Ипак Йўли» банки томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг тармоқ таркиби ва ўртача тортилган фоиз ставкалари¹⁹, 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига

Тармоқлар	Берилган кредитларнинг умумий ҳажмида тармоқнинг улуши, %	Кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %
Саноат	36,1	12,9
Қишлоқ хўжалиги	3,2	11,3
Транспорт ва алоқа	2,1	17,0
Қурилиш	4,7	12,4
Савдо	41,5	15,8
Моддий-техника таъминоти	4,8	15,0
Бошқа тармоқлар	7,6	14,1
Кредитлар – жами	100,0	12,6

5-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Ипак Йўли» банки томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг тармоқ таркиби ўзаро кескин фарқланади, шунингдек, кредитларнинг фоиз ставкалари ҳам нисбатан юқоридир.

Кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу кичик бизнес субъектларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилаётган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланмаётганлигидир.

Банклар томонидан кредитлашнинг услубий асослари қандай принципларга таяниши, уларнинг нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш принципларидан фарқ қилувчи жиҳатларининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топмаганлиги кичик бизнес субъектларини банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кредитлашнинг услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакат тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида овердрафт, контокоррент ва форфейтинг шаклларининг мавжуд эмаслиги мазкур амалиёт самарадорлигининг ошишига тўсқинлик қилмоқда.

Кичик бизнесга берилаётган кредитлар ҳажмига кичик бизнес йўналишида берилган кредитлар сабабли юзага келган муаммоли кредитларнинг таъсири бир неча назорат қилувчи ўзгарувчилар билан биргаликда эконометрик таҳлил қилинди. Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ҳамда муаммоли кредитлар ҳажми ўртасидаги Грангер каузаллик тест қилиб кўрилди.

Таҳлил учун ишлатилаётган статистик маълумотлар «Ипак Йўли» банкдан олинган бўлиб, ушбу банкнинг мавжуд 13 та филиали кредит портфелининг 10 йил давомидаги чораклик маълумотлари асосида тузилган.

¹⁹ Жадвал муаллиф томонидан АИТБ «Ипак Йўли» банкнинг 2016 йил якуни бўйича тузилган ҳисоботи маълумотлари асосида шакллантирилган.

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган статистик маълумотлар балансланмаган панелли статистик маълумотдир. Банк томонидан тақдим этилган маълумотлар берилган умумий кредитлар, резерв, кичик бизнес ва тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликка берилган кредитлардан юзага келган муаммоли кредитлар суммасидир. Ушбу бирламчи маълумотлардан инфляцион босимни олиб ташлаш ва эконометрик таҳлилга мослаштириш учун ушбу статистик маълумотлар банкнинг умумий кредитларига бўлиш орқали трансформация қилиб олинди.

Қуйидаги жадвалда ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси келтириб ўтилди.

6-жадвал

Тасвирий статистика

Ўзгарувчи	Сони	Ўртача	Стд.ч	Мин	Макс
t_{it}	420	.095	.109	.001	.563
r_{it}	420	.003	.005	0	.027
k_{it}	420	.078	.088	0	.465
m_{it}	420	.001	.003	0	.019

